

**XX АСРНИНГ 20-ЙИЛЛАРИ ОХИРИ ВА 40 ЙИЛЛАР
БОШЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОНДА МУТАХАССИС КАДИРЛАР
ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИ**

Утанов Нормумин Аллаярович

Тошкент давлат юридик университети

ҳузуридаги М. С. Восикова номидаги Академик лицей

тарих фани ўқитувчиси

Email: normuminutanov@gmail.com

Тел: +998 97 7040468

Ўзбекистонимиз мустақилликка эришганига унчалик кўп вақт бўлган бўлмасада аммо асирларга тенг ишлар амалга оширилди. Айниқса мутахасис кадирлар тайёрлаш борасида. Шу кунга келиб республикаimizда жами 9772 та мактаб, 1536 та академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари (шулардан 142 таси академик лицей) Олий таълим муассалари сони филиалларини қўшиб ҳисоблаганда 76 тани ташкил этмоқда. Шулардан: 19 та университет, 36 та институт, 2 та академия, 1 та консерватория, 1 та ракс ва хореография олий мактаби, 11 та ОТМ нинг филиаллари ҳамда 6 та хорижий давлат ОТМнинг филиаллари фаолият кўрсатмоқда. Жами 254 та бакалавр, 719 та магистр йўналиши бўйича таълим берилмоқда.

2002 йил 16-февраль Халқаро Вестминистр университетининг филиали очилди. 2009 йилдан ушбу университет қошида академик лицей ҳам фаолият кўрсатмоқда. 2006 йил 2-сентябрь Ломоносов номидаги Москва давлат Университетининг филиали, 2007 йил 5-сентябрь Сингапур менежмент университети, 2009 йил 27-апрель Турин политехника университети ташкил топди⁸. Ушбу таълим муассасалари нафақат сони билан балки сифати билан ҳам мустабид тузум давридан кескин фарқ қилади.

Собиқ иттифоқнинг барча ҳудудларида бўлгани каби Ўзбекистон аҳолиси айниқса зиёлилари мураккаб ва энг оғир жараёнларни бошидан кечирди. XX асрнинг 20 йиллар охири ва 40 йиллар бошига келганда бу соҳада айниқса мустабид тузумнинг манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган маъмурий буйруқбозлик бошқариши ҳукмронлик қилганини ва унинг мутахассислар тайёрлаш тизимларига таъсири ва тазйиқ кучайганлиги яққол кўзга ташланади.

Бу даврда республикада индустрлаштиришни жадаллаштириш, қишлоқ

⁸ Бюк ва муқаддассан мустақил ватан Т.; "Ўқитувчи" нашриёт-матбаа ижодий ўйи. Тошкент-2011. 57-59-бетлар

хўжалигини ислоҳ қилиш ва маданий қурилиш вазифалари кўплаб мутахассис кадрлар тайёрлаш масаласини долзарб қилиб қўйди.

1929 йил май ойида бўлиб ўтган III Умумўзбек совет қурултойи қатнашчилари ҳам республикада агроном, муҳандис, шифокор, ўқитувчи ва бошқа мутахассислар сонини жадал кўпайтириш зарурлигини таъкидлади⁹. Қурултой ҳукуматга аҳолининг маълумот даражасини ошириш, касб-ҳунар ўқув юртлари тармоғини кенгайтириш, шунингдек, олий ўқув юртларида маҳаллий миллат вакиллари сонини кўпайтириш, шу тариқа олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш аҳволини яхшилаш вазифасини юклади.

IV-Бутун Ўзбекистон Советлари қурултойи (1930 йил, июль) кадрлар муаммосини ҳал этишга ҳукумат диққатини яна бир бор жалб этди. У қабул қилган қарорда, Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши малакали кадрлар тайёрлаш муаммосининг ҳал этилишига боғлиқ деб таъкидлади¹⁰.

Шунинг учун республика ҳукумати техника олий ва ўрта махсус ўқув юртларини ташкил қилиш, саноат ва қишлоқ хўжалиги, биринчи галда унинг етакчи соҳаси бўлган пахтачилик учун юқори малакали кадрлар тайёрлашга қаратилган собиқ СССРнинг пахта мустақиллигини таъминлаш талабларидан келиб чиққан ҳолда тадбирлар ишлаб чиқди. Кўрилган тадбирлар натижасида Ўзбекистонда замонавий йўналишда мутахассислар, кадрлар тайёрлашга ўтилди ва бу борада кейинги тарихий-маданий ривожланишга ижобий таъсир ўтказган махсус, ўрта махсус ва олий малакали кадрлар тайёрлаш тизимлари вужудга келди.

Халқ хўжалигининг барча бўғинлари, қишлоқ хўжалиги юқори малакали агроном мелиоратор, иқтисодчи, режалаштирувчи мутахассис ва агроном-муҳандис каби кадрлар билан таъминлашни талаб этарди. Шу муносабат билан 1931 йил мартда Ўрта Осиё Пахтачилик-ирригация политехника институти негизида Ўрта Осиё қурилиш ва Ўрта Осиё йўл институтлари, Ўрта Осиё сув хўжалиги муҳандислари ва Ўрта Осиё энергомеханика институтлари вужудга келди.

Бундан ташқари ушбу йилларда жадвалда келтирилган олий таълим муассасаларини ҳам мисол келтиришимиз мумкин

№	Йил/сана	1920 йиллар охиридан 1940 йиллар бошигача ташкил топган олий ўқув юртлари
1.	1929	Самарқанд қишлоқ хўжалик институти ташкил этилди

⁹ Стенографический отчет III Курултая Советов Узбекистана. – Т.: 1929. – С. 114-141, 271-282.

¹⁰ Съезды Советов в документах (1917-1937 гг.) Т. VII. – М.: Госполитиздат, 1965. – С. 185.

2.	1929	Ўрта Осиё пахтачилик ирригацияси политехника институтига (унинг негизида 1933 йилда Ўрта Осиё индустриал институти ташкил этилди ва 1949 йилда Ўрта Осиё политехника институтига айлантирилган. 1961 йилдан Тошкент политехника институти, ҳозирги Тошкент техника университети 1989 йилдан) асос солинган.
3.	1930	Тошкент қишлоқ хўжалик институти ташкил этилди
4.	1930	Ўрта Осиё қишлоқ хўжалик институти (1991 йил апрелдан Тошкент аграр университети) ташкил этилди
5.	1930	Самарқанд тиббиёт институти ташкил этилди.
6.	1931 йил 13- август	Ўрта Осиё молия-иқтисод институти (кейинчалик Тошкент молия-иқтисод институти; 1962-1991 йилларда Тошкент халқ хўжалиги институти; 1991 йил 19-июндан Тошкент иқтисодиёт университети) ташкил этилди
7.	1931	Ўрта Осиё темир йўл транспорти муҳандислари институти (1937 йилдан Тошкент темир йўл муҳандислари институти) ташкил этилди
8.	1931	Ўрта Осиё тиббиёт институти (1920-йилда Туркистон университети негизида) ташкил этилди
9.	1932	Тошкент тўқимачилик институти (1968 йилдан Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти) ташкил этилди
10.	1933	Самарқандда Ўзбекистон Давлат университетининг очилиши
11.	1934	Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш муҳандислари институти (2004 йил 30-мартдан Тошкент ирригация ва милиорация институти) ташкил этилди
12.	1934	Маданий қурилиш илмий тадқиқот институтининг филология бўлимлари асосида тил ва адабиёт институти (1998 йилдан Ўзбекистон ФА Алишер Навоий номидаги тил ва адабиёт институти) ташкил этилди
13.	1934	Қорақалпоғистон давлат ўқитувчилар институти ташкил этилди
14.	1935 йил 14-сентябрь	Ўрта Осиё давлат университети педагогика факультети негизида Низомий номи Педагогика институти (1998 йил 24-февралдан Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика

		университети) ташкил этилди
15.	1935	Урганч шаҳрида тўлиқсиз олий маълумотли ўқитувчилар тайёрлаш институти (1992 йил 15-мартдан Ал-Хоразмий номидаги Урганч давлат университети) ташкил этилди
16.	1936	Олий мусиқа мактаби (1934 йил) негизида Тошкент давлат консерваторияси ташкил этилди.
17.	1937	Тошкент фармацевтика институти ташкил этилди.

1941-йилга келиб республикаимиз халқ хўжалигидаги юқори малакали мутахассислар сони 20,2 минг нафарни ташкил этган, улардан 5,3 минг нафари муҳандис, 1,5 минг нафари агроном, зоотехник, ветеринария шифокори, 1,2 минг нафари иқтисодчи, 2,8 минг нафари шифокор, бўлган¹¹. Ўша йили Ўзбекистондаги барча олий ўқув юртларида 19,1 минг киши ёки 1932 йилдагига нисбатан 6,9 минг кўпроқ нафар талаба таҳсил олган. 1930-1940 йиллар давомида 15 мингдан зиёд олий маълумотли мутахассислар тайёрланди¹².

Олий мактаб битирувчилари орасидан кейинчалик Т.Н. Қори-Ниёзий, Ҳ.М. Абдуллаев, Т.А. Саримсоқов, Т.З. Зоҳидов, С.Ю. Юнусов, У.О. Орифов, О.С. Содиқов, Ойбек, Ғ.Ғулом, Уйғун, Қ.З. Зокиров, А.А. Асқаров, А. Дадабоев, Ж. Маҳсумов, Я.Ғ. Ғуломов, И.М. Мўминов, М.А. Ҳожихонова, З. Умидова, А.М. Махсумов, Т. Нажмиддинов, Ҳ. Олимжон, Зулфия, Ш. Рашидов, Ойдин (Собирова) каби Фан, маданият ва давлат арбоблари етишиб чиқдики, айнан уларнинг ғайрат-шижоати, илм олишга ва замонавий мутахассисликларни эгаллашга туфайли Ўзбекистоннинг иқтисодий ва маданий ривожланишига туртки берди.

Ўрганилаётган даврда юқори малакали педагог кадрларга бўлган эҳтиёж бениҳоя катта эди. Ушбу эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда педагог кадрлар тайёрлаш тизими шакллантирилди. Ушбу тизимда 1 университет, 18 та педагогика ва ўқитувчилар институтлари, 43 та педтехникум, 25 та бир ва икки йиллик курслар фаолият кўрсатди¹³.

1936 йил сентябрда Ўрта Осиёда биринчи олий мусиқа ўқув юрти – Тошкент давлат консерваторияси ташкил этилди. Унда ишлаш учун Ленинград, Москва ва Киев консерваторияларидан Г. Нейгауз, Т. Мушель, А.Тюмен, М. Штейнберг, А.

¹¹ Советский Узбекистан за 40 лет. Стат. сб. – Т: Фан, 1964. – с. 329.

¹² Ўша жойда. 320 б.

¹³ Эргашев Қ. Ўзбекистонда халқ таълимнинг ривожланиш тарихи - Т.: Ўқитувчи, 1998. - 17 б.

Котляровский ва бошқалар таклиф этилди. Дастлабки йили консерваторияда 36 талаба таҳсил олган, 1941 йилга келиб улар сони 100 дан ошган¹⁴.

Олий ўқув юртларини педагог кадрлар билан таъминлаш муаммосини аспирантура тизимини йўлга қуйиш орқали ҳал қилишга киришилди. Бунинг учун мавжуд аспирантура тармоқларини кенгайтирилиб, уларга киришнинг танлов тартиби жорий этилди.

Бироқ мутахассислар тайёрлаш жараёни миллий-маданий негиздан бегоналаштирилгани ҳолда амалга оширилди. Масалан, 1930 йилларнинг бошларидан ўқув юртларининг барча ўқув режалари ва дастурларига маҳаллий материаллар киритилмади, асосий ўрганиладиган фанлар қаторидан Ватан тарихи, география ва жонажон ўлка табиатини ўрганиш чиқариб ташланди, ўзбек халқининг буюк ўтмиши бузилган тарзда талқин этилди. Буларнинг ҳаммаси тарихий хотирага ғоят салбий таъсир кўрсатди, тарихий замонлар ва даврлар ўртасидаги боғлиқлик йўқолишига олиб келди. Ёш авлодлар ўз миллатининг чинакам тарихидан тобора узоқлаштирилди»¹⁵.

Бундан ташқари, олий таълим тизимини руслаштиришга эътибор кучайтирилди. Барча ўқув режалари, ўқитилаётган асосий фанлар ва дарсликларнинг дастурлари марказдан жўнатиладиган бўлди. Рус тилидаги бундай ўқув материалларини маҳаллий миллат талабаларининг ўзлаштириши қийин эди. Агар 30-йилларнинг бошида ўзбек тилидаги ўқув-услубий адабиётлар деярли йўқ бўлса, 40 йилларга келиб, маҳаллий ўқитувчи ва олимларнинг саъйи ҳаракатлари туфайли рус тилидаги ўқув қўлланмалари аста-секин ўзбек тилига таржима қилина бошланди. Бу ҳол маҳаллий миллат талабаларининг фанларни ўзлаштиришини бирмунча енгиллаштирди, бироқ руслаштириш давом эттирилди. Ўрта Осиё университетида икки минг талаба ўқиётган бўлса, улардан атиги 80 таси ўзбек, 64 таси қолган кам сонли миллатлар вакиллари бор эди.

Совет ҳукумати ўзининг тоталитар идора усулини мустаҳкамлаш учун халқ хўжалигининг барча соҳалари бўйича мутахассислар тайёрлашга мажбур бўлди. Аммо бу тарихий жараёнлар ўлкамиз халқларининг миллий маданиятини менсимаслик, исломий таълим олган имонли, эътиқодли, халқ эъзозлаган билимдон руҳонийларни қатоғон қилиш, араб ёзувини тақиқлаш, асрлар давомида таълим-тарбия, маданият маркази бўлиб келган мадрасаларни беркитиш каби репрессия усуллари билан олиб борилди. Халқимизнинг Чўлпон, Отажон Ҳошимов, Усмон

¹⁴ Умарова С. Высшее образование Узбекистана за 25 лет. – Т.: 1949. – С.47.

¹⁵ Алиомова Д.А., Голованов А.А. Ўзбекистон мустабид совет тузуми даврида: сиёсий ва мафкуравий тазйик оқибатлари. – Т.: Ўзбекистон, 2000. – 57 б.



Носир, Элбек, Ғози Юнус каби кўплаб миллат истиклоли ва маърифати учун тоталитар тузумга қарши курашган фарзандлари беаёв қатоғон қилинди.¹⁶ Олий, ўрта махсус ўқув юртларида кишининг қобилиятига эмас, балки комфирқа сиёсатини қўллаб-қувватлашига, ишчи-деҳқонлар синфига мансублигига қараб қабул қилиш тартиби ўрнатилди. Барча ўқув юртлари дастурларига марксизм-ленинизм асосларини ўрганиш мажбуран киритилди ва улар устидан партия ташкилотларининг қаттиқ назорати ўрнатилди. Буларнинг барчаси мамлакатда тоталитар сталинча бошқаришнинг қарор топтиришга қаратилган эди. Кадрлар тайёрлаш борасидаги ютуқлар эса энг аввало ўзбек халқининг жаҳон тараққиётидан баҳраманд бўлишга, тараққийпарвар халқлар билан интеграцияга киришиб ривожланишга бўлган интилишининг натижасидир. Тоталитар тузум ўз тартибларини ўрнатишга муваффақ бўлсада, бироқ у халқимиз маданиятини батамом йўқ қилолмади, чунки, ижтимоий ҳаётда маҳаллий халқнинг маданияти, албатта, асос бўлган, устунлик қилган.

В данной статье пишется объёме кадровых вопросов в Узбекистане 20-40 годов XX века. Образование институтов и университетов о кадрах окончивших данные учебные заведения. Отмечается что, из закончивших данные университеты и институты вышло множество узбекских учёных. Несмотря на данные достижения идеология того периода диктовала свои условия, на основе которого приобретало направление непризвятого отношения к национальным культурам, отчуждения их от духовности.

¹⁶ Хасанов Б.В. Национальная интеллигенция Узбекистана и исторические процессы 1917-начала 50-х годов. – Т.: 2000. – С.131.

